Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 9 июль жума

Сотувда эркин нархда

№ 135 (2173)

БЕДОР ЎЙ

Йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикаларнинг қурилгани, ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришилгани, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик, одамларнинг моддий ва ижтимоий ҳаётидаги сезиларли ижобий ўзгаришлар — буларнинг бари биз танлаган тараққиёт моделининг тўғрилигини тасдиқловчи далиллардир ва бугунги кунда бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ислом КАРИМОВ

ЙИЛ ИЧИДА

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 53 КУН ҚОЛДИ!

✓ **1993 ЙИЛ 20 ИЮЛЬ.** БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги вакили Холид Башир Малик Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

✓ **1993 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ.** Ўзбекистон Республикасида БМТнинг бирлашган ваколатхонаси очилди.

✓ **1993 ЙИЛ 26 ОКТЯБРЬ.** Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО)га аъзо бўлди.

ШАРТНОМА БИТИМИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ҳукумат қарори билан «Ўзгеонефтгазқазибчиқариш», «Ўзнефтқайтаишлаш» акциядорлик компаниялари ва «Бейкер Хьюз (Кипр) Лимитед» компанияси ўртасида тузилган шартнома битими қўллаб-қувватланди. Шартномага мувофиқ, Шимолий Ўртабулоқ конида суюқ углеводородларни қазиб чиқаришни кўпайтириш ва уларни республикада қайта ишлаб, халқаро бозорда сотиш юзасидан улкан миқёсдаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилаётир.

Хорижлик ҳамкор лойиҳанинг техник-иқтисодий асосига кўра, мазкур лойиҳа учун 8,1 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ажратишни режалаштирган. «Бейкер Хьюз (Кипр) Лимитед» технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш, бурғулаш, конда геологик тадқиқотларни ўтказиш, қудуқларни капитал таъмирлаш ишларини ўз зиммасига олади. Натижада «Ўзгеонефтқазибчиқариш» компанияси Шимолий Ўртабулоқ конидан олинаётган суюқ углеводород ҳажмини 472,9 минг тоннага қадар оширишга эришади.

Қарорда белгиланишича, инвестициядан келадиган фойда сифатида «Бейкер Хьюз (Кипр) Лимитед» компанияси ҳар бир қудуқдан қазиб олинадиган нефть миқдорининг ўсишига қараб, маълум бир улушига эгалик ҳуқуқини қўлга киритади. Хусусан, бу ҳажм дастлабки уч йилда 50 фоизни, ундан кейинги беш йилда эса 20 фоизни ташкил этади. Компания ўз улушини сотишдан келадиган фойданинг фақат 16 фоизи миқдоридаги даромад солиғига тортилади. У Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва тўловлари (келтирилган ускуналарнинг бож тўловлари ҳам бунга киради) бўйича ҳеч бир мажбуриятга эга бўлмайди. Бизнинг мамлакатда олинадиган барча солиқ тўловлари, бож, йиғим ва бошқа мажбуриятлардан озод этилади. Ушбу лойиҳа доирасида «Бейкер Хьюз (Кипр) Лимитед» жалб қиладиган барча чет эл пудратчи компанияларига ҳам мазкур имтиёзлар татбиқ этилади.

Томонлар ўзаро келишган тақдирда нефть қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш тўғрисидаги шартнома давом эттирилиши мумкин. Ҳукумат қарорига биноан, «Бейкер Хьюз (Кипр) Лимитед» келгусида Одамтош, Жанубий Кемачи ва Умид каби конларда ҳам Шимолий Ўртабулоқ конида берилган инвестиция шартлари асосида иш олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади.

«Туркистон-пресс».

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик масалалари бўйича Германия иқтисодиёт қўмитасининг Марказий Осиё мамлакатлари департаменти раҳбари Ф.Юнг бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Л.Аҳметов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётгани қайд этилди. Хусусан, транспорт, самолётсозлик, телекоммуникация борасида амалга оширилаётган лойиҳалар эътиборга молик. Айниқса, Тошкент аэропортида хизмат кўрсатишни замонавийлаштириш, самолётлар учун техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш, республикамизда маҳаллий ва халқаро телефон алоқаси тизимини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни алоҳида айтиб ўтиш мумкин. Учрашувда мамлакатимизда почта алоқалари бўйича консалтинг хизмати кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон билан Германия ўртасида эришилган келишувнинг амалий жараёнини тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳар томонлама иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р.Биндзайл ҳозир бўлди.

(ЎзА).

МЕТАЛЛУРГЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД






ФОТО репортаж



Бугун Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати жамоасининг шашти ҳар қачонгидан баланд. Негаки, бир ойча муқаддам Президентимиз мазкур комбинат ташкил топган куннинг 50 йиллиги муносабати билан уларни сидқидилдан муборакбод этган эди. Бундан руҳланган металлурглар мустақиллигимизнинг 8 йиллигини тағин-да кўпроқ ютуқлар билан кутиб олиш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: комбинатнинг мис эритиш заводида; металлурглар; мис сифатини текшириш участкасида.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

АМЕРИКАДА ЎЗБЕК ҚОНУНИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Вашингтонда — Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонасида шу йил апрель ойида қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маросимда АҚШ Давлат департаменти, Миллий хавфсизлик кенгаши, Конгресси ҳамда шу мамлакатнинг жамоатчилик ташкилотлари ва илмий марказлари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилганларни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Сафоев, Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) директори ёрдамчиси Дж.Ингрем, Counterpart International ташкилотининг амалдаги директори С. Хози, Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг амалдаги директори Р. Пейс, International Center for Not-for-Profit Low халқаро жамғармасининг янги мустақил давлатлар учун лойиҳалари директори Н. Буржели олқишладилар.

Шундан сўнг мазкур қонунни ишлаб чиқишда консультатив кўмак берган АҚШнинг қатор ташкилотлари вакиллари сўзга чиқиб, унинг қабул қилиниши ўзбек жамиятининг демократлашуви жараёнидаги яна бир муҳим қадам бўлганини таъкидладилар. Шунингдек, мазкур ҳужжат янги мустақил давлатларда бу соҳадаги қонунлар орасида энг прогрессиви эканлиги қайд этилди. Шу боис ижтимоий-маъмурий тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим органи — маҳалланинг роли алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қатнашчиларнинг эътирофларига кўра, бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг собиқадамлик билан олға силжиётганини, шунингдек, жамият ва давлатни демократлаштириш соҳасида мамлакатимиз халқаро ҳамкорликка шай турганини яна бир карра намойиш қилди.

«Жаҳон» АА.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик масалалари бўйича Германия иқтисодиёт қўмитаси делегацияси Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикасининг қатор нуфузли муассасалари вакиллари билан мулоқотда олиб борди.

Германия делегацияси аъзолари орасида "Сименс АГ" концерни, "Банкгезельшефт", "Симбриа Скет ГМБХ", "Ферростал АГ", "Унионматекс", "Хема Балке Дюрр", "Технип", "Тиссен Крупп", "Крупп Фёрдертехник ГМБХ" каби йирик компанияларнинг вакиллари борлиги немис ишбилармонларининг юртимизда фаолият кўрсатишга иштиёқи баландлигидан дарак беради. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ёғмойтамакисаноат", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекнефтгаз", "Ўзфармсаноат" сингари муассасалар вакиллари билан учрашув чоғида ўзаро ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида сўз борди.

(ЎзА).

ШУ СОНГА ХАБАР

"ҚЎҚДАРЁ"НИНГ САРА БУҒДОЙИ

Устюрт этакларида деҳқончилик қилаётган Қўнғирот туманидаги "Қўқдарё" ширкатлар уюшмаси ғаллакорлари давлатга салкам минг тонна буғдой топшириб, йиллик шартнома режасини бажарди. Деҳқонлар бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида астойдил меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирди. Гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтарилди. Бунда буғдойнинг иқлимбоп нави танланганлиги муваффақият гарови бўлди.

"Қўқдарё"ликлар режадан ташқари 460 тонна ғалла топширишга аҳд қилдилар.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.

ЖАННАТ ДОНИ ДЕСАЛАР, АЖАБМАС

Қашқадарёда ҳўжалик озми? Ё бўлмаса Файзулладай раис йўқми? Бор. Бўлганда қандоқ. Лекин нега Президент Қашқадарё сафари пайтида айнан унинг хўжалигига ташриф буюрди?

Ҳа, ҳамма гап шунда-да. То Президент келиб-кетгунча Яккабоғ туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ хўжалик кооператив-ширкат хўжалиги раиси Файзулла Бердиевнинг Самарқанддаги «Элита» Ирландия-Ўзбекистон қўшма корхонаси билан шартнома тузганлиги, шу асосда хўжаликда уч гектарлик тажриба майдони яратилгани, 400 гектар ерга «Улуғбек-600» навли буғдой, «Темур» навли арпа экилганлигини саноқли кишиларгина билишарди. Энди эса бундан бутун мамлакат хабар топди. Файзулла Бердиевнинг ғаллазори, айниқса, тажриба майдонида синовдан ўтказилаётган ғалла навлари мутахассисларнинг, хўжалик раҳбарларининг, умуман, шу ишга дахлдор ҳар бир кишининг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Ана шундай қизиқиш мени ҳам хўжаликка бошлаб келди. Бу ерда дастлаб дуч келганим «Элита» қўшма корхонасининг асосий етакчи мутахассиси, доцент Лазарь Николаевич Балаян бўлди. Ўзбекча-ўрисчани аралаштириб гапирадиган, 68 йиллик умрининг 42 йилини ғалла селекциясига бағишлаган куйди-пишди бу чолнинг ғайрати, интилиши, қизиқиши мени ҳайратда қолдирди.

— Президент бўлган тажриба майдонини кўришни хоҳлайсизми? — сўраб қолди у дабдурустдан.

— Албатта.

— Унда кетдик.

Хўжалик ҳудудидан чиқиб, Шаҳрисабз томонга кетувчи катта йўлга тушиб олдик. Шундоққина Шаҳрисабз чегарасига етай деганда, ўнг томонда дарахтзор ичра шийпон кўзга ташланди. Йўлнинг чап тарафида эса ажиб ғаллазор ястаниб ётарди. Ҳали ҳеч ким бундай ғаллазорни кўрмаган, билмаган, эшитмаган, ҳатто тасаввур ҳам қилмаган десак, хато бўлмас.

— Бу «Ўзбекистон-1» буғдой нави, — бир бошдан тушунтиради Лазарь Николаевич. — Президент, энг аввало, шу навни сўраб-суриштирди. Бу бежиз эмас. Самарқандда бўлганларида янгидан яратилган шу буғдой навига «Ўзбекистон» деб ўзлари ном берган эди. Юмшоқ, оқ буғдой. Паст бўйли, серҳосил, касалликка чидамли, иқлимимизга мос.

Лазарь Николаевич завқ-шавқ билан берилиб ҳикоя қилади. Кўкракка уриб турган бошоқларни қучоқлаб бағрига босади.

— Қаранг, қаранг, — дейди у худди ёш боладек қувонч билан, — буғдой эмас, бир қучоқ марварид шодаси дейсиз. Қаерда кўргансиз бундай буғдойни?

Шундай дейди-да, у ўзининг саволига ўзи жавоб беради:

— Ҳеч қаерда.

Тажриба майдонида юзлаб ғалла навлари синовдан ўтказилмоқда. Унбоп, озуқабоп, макаронбоп турлари — ҳаммаҳаммаси.

— «Улуғбек-600»нинг муаллифи — профессор, илмий департамент директори Тўрақул Ҳожиқулов ҳозир Америкада. Яқинда келади, — дейди у. — Мана, 15-20 йиллик меҳнатимиз кўзга кўринди. Президент бу навларга юқори баҳо берди. Шундай буғдой, арпа навлари ўзимизда бўла туриб, нега уруғни четдан олиб келишади, тушунмайман, — бошини сарак-сарак қилади у.

Ҳақиқатан ҳам, бу ўринли савол. Мутахассислардан бирининг айтишича, биргина Қашқадарё вилоятига бултур 30 минг тонна уруғлик ғалла четдан келтирилган. Бунинг учун 1 миллиард сўм сарфланган. Ахир, шу пулни четга чиқармасдан, ўзимизда олиб қолишнинг иложи йўқмиди? Бор. Бор экан. Буни Яккабоғдаги «Ўзбекистон», Шаҳрисабздаги Жўра Элбоев номли хўжаликда етиштирилган ҳосил исботлаб турибди. Президент «Ўзбекистон» хўжалигидаги тажриба майдонида бўлган чоғида айнан шу масалага эътиборни қаратди.

Ташаббускорлик — давр талаби

«Ўзбекистон», «Улуғбек-600» навли буғдойларни уруғлик учун экиб, кўкартириш, шу мақсад учун майдонларни кўпроқ ажратиш, келажакда ҳар бир вилоят ўзининг ана шундай тажриба майдонига, уруғлик базасига эга бўлиши, ўзини ўзи уруғлик билан таъминлаши зарурлигини уқтирди. Ва мана шуларнинг шарофати сифатида Вазирлар Маҳкамасининг «Бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлиги нур устига аъло нур бўлди. Энди юқори ҳосилли, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли, истиқболли навлар тупроқ, иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, оқилона жойлаштирилади.

— Бу кони фойда демакдир, — изоҳ беради Лазарь Николаевич. — Қачонгача четдан уруғликни валютага сотиб оламиз? Кошки шунга арзиса. Ўзимизда аъло навли ғалла уруғи бўлмаса, бошқа гап эди. Уруғликнинг репродукцияси йўқолиб, бардошсиз бўлиб қолгани туфайли бу йил занг касаллиги кенг тарқалди. Бизнинг навларимиз касалликка чидамли, эртапишар, серҳосил. Ҳар бир ишимиз илмий жиҳатдан асосланган. Бизда стихияли нарса йўқ.

«Элита» Ирландия-Ўзбекистон қўшма корхонасининг Қашқадарё вилоятидаги филиали директори Сирожиддин Баҳриддинов ҳам шуни таъкидлади.

Хўш, «Элита» қўшма корхонаси билан ҳамкорлик «Ўзбекистон» хўжалигига нима берди?

— Шартнома бўйича, — дейди хўжалик раиси Файзулла Бердиев, — 83 тонна уруғлик буғдойни қўшма корхона тегни ўз вақтида, мукаммал бажариш зарурлигини уқтиришди. Оилавий пудратчиларимиз олимларнинг айтганидек иш тутишди. Мана, Худога шукур, натижа ёмон эмас. Гектаридан 50 центнердан ошиқ ҳосил олинаяпти.

Айтишларича, хўжалик етиштирилган донни «Элита» қўшма корхонасига топширади. У ерда топширилган (ҳар гектаридан 30 центнердан, жами 1200 тонна) уруғлик дон тозаланади, сараланади, дориланади, жаҳон андозаларига мувофиқ ҳолда халталарга жойланади. Сўнгра «Яккабоғдон» корхонасига топширилади. Чунки ўртада олди-сотди шартномаси бор. Даромаднинг 69 фоизи хўжаликка сўмда тўланади.

Умуман, ҳосилни етиштириш учун хўжалик 15 миллион, қўшма корхона эса 7 миллион сўм харажат қилди. Энди эса даромаднинг 69 фоизи 37 миллион сўмни ташкил этмоқда. Чунки дон — уруғликка мўлжалланган. Биринчи репродукцияли уруғликка Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 150 фоиз қўшимча ҳақ тўланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил хўжалик биргина ғаллачиликнинг ўзидан 70 миллион сўм даромад олади. Ўтган йилгига солиштириладиган бўлса, бу 47 миллион сўм кўп, демакдир. Яна 150 тонна дон уруғлик учун қолади. Хўжалик аҳли бир йил давомида ун сотиб олмайди. Уларга дон 30 сўмдан сотилади. Шундан хўжалик 30 миллион сўм фойда кўради.

— Худди осмондан тушгандай ғап бу, — дейди Яккабоғ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Жўрақобил Норқобилов. — Хўжалик раҳбари Файзулла Бердиев қўшма корхона билан, олимлар билан ҳамкорлик қилмаса, хўжаликни уруғлик дон етиштиришга ихтисослаштирмаса, бу ғаплар қаерда эди?

Фақат шу эмас. Хўжаликнинг тажриба майдонида ўзимизга керакли, яъни маҳаллий иқлим шароитига мос навни танлаб олиш имконига эга бўлдик. Шунингдек, хўжалик уруғлик нав етиштиришга ихтисослашди. Энг асосийси, бундан хўжалик катта иқтисодий фойда кўрмоқда.



Бу биргина хўжалик мисолидаги ғап. Агар туман, вилоят миқёсида шу иш амалга оширилса-чи? Унда кўриладиган фойдани тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам, Президентимиз мазкур хўжаликда бўлган чоғларида айнан ана шу масалага эътиборни қаратди. Бунинг замирида жуда катта ғап бор. Шу иш амалга ошса, энг аввало, халқнинг турмуш фаровонлиги ошади. Ахир, Юртбошимиз хўжалик хотин-қизлар кенгаши раисаси Гулнора Овлаева билан суҳбатлашганда, тиббий хизматнинг қандайлиги, дори-дармонларнинг бор-йўқлиги, болалар, оналар ҳақида бекорга сўраб-суриштирганлари йўқ. Ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлидаги ҳар бир қадам айнан ана шу мақсадларга, хусусан, қишлоқ аёлининг турмушини енгиллаштиришга хизмат қилади.

— Аёл — бу она. Она деганда Ватан, Ватан деганда Она тушунилади. Шундай экан, Аёлини улуғлаган Ватанини улуғлаган бўлади. Президентнинг назарига тушади, — дейди Файзулла Бердиев ҳаяжонда. — Энди у кишининг ишончини оқлашимиз керак.

Биргина Файзулла Бердиев эмас, менимча, Қашқадарёдаги ҳар бир кексаю ёш шундай фикрда, шундай азму қарорда. Ахир, бежизга Президентимиз Яккабоғни жаннатмакон гўшага қиёсламади. Жаннатмакон гўшадан ана шундай сара донлар энди бутун Қашқа воҳасига тарқалади, балки бутун республикага тарқалса ҳам, ажаб эмас. «Ўзбекистон», «Улуғбек-600» навлари келажакда балки жаннат дони сифатида эъзозланар. Бунга эса оддийгина бир хўжаликнинг, оддийгина бир раҳбарнинг оддийгина бир иши сабабчи бўлганлигини кўпчилик билмас. Балки бу табиийдир. Бироқ эзгулик йўлидаги ҳар қандай хайрли иш Юртбошимиз назаридан четда қолмайди. Шундай экан, келинг, биз ҳам Файзулла Бердиев сингари меҳнат қилайлик, изланайлик.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОЛАТ ВА УНИНГ САБОҚЛАРИ

Оллоҳ ҳузурига ёруғ юз билан борайлик

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Сир эмас, Туркистон, Ўзбекистон рус маъмурлари, сармоядорлари учун текин хомашё манбаи бўлиб келган. Улар Ўзбекистондан катта фойда кўрганлари ҳолда, бунинг эвазига ҳеч нарса бермаганлар. Инқилобдан сўнг ўз ишимизни, турмушимизни юргизамиз, тенг ҳуқуқли бўламиз, динимиз тикланиб, ривож топади, деб ўйлаган, умид қилган ота-боболаримиз ниятлари пучга чиқди, билъакс, улар қатағон қилиндилар.

Эй, сохта динпарастлар, мунофиқ риёкорлар, ўша ҳақсизлик вақтларида мусулмонлар бош эгиб қул кишилар янглиғ юрганларини унутдингизми? Даҳрийлик сиёсати қиличи остида намоз ҳам, жаноза ҳам қўрқа-писа, яширинча ўқилган даврлар эсдан чиқдими? Ҳамма ишингизга марказ монеъ бўлган даврдан қутилганимизга бугун шукр қилишимиз керак эмасми?!

«Ҳизбут-таҳрир» юртимизга эллигинчи йилларда суқилиб кириб келган экан. Хўш, у нега ўша вақтда динсизликка, адолатсизликка қарши курашга чиқмади? Ҳақсизликдан эзилиб, вужудлари заҳарланиб, виждонлари азобланиб, ҳақ сўзларни айтишдан тиллари тўхтаган, ҳақиқатни ёзишдан қаламлари титраб-қақшаган мазлум Туркистон мусулмонларининг ёнига кирмади? Энди виждон эркинлиги қонуний кафолатланиб, дин арконларини адо этиш имконияти яратилган даврда қутиришлари кимга керак? Кимдан, нимани ҳимоя қилишмоқчи? Уларга дин эмас, дин ниқоби керак. Уларга амал, маишат керак.

Ўша мустабидлар даврида ҳам халқимиз ҳақ йўлида собит турган. Даҳрийлар қиличларини бошимизда ялангочлаб турганларида ҳам, иншооллоҳ, ота-боболаримиз мусулмончиликни қўлдан бой бермаганлар, диннинг муқаддас арконларини, эзгу урф-одатларини, фазилатли айёмларини маҳкам ушлаганлар, айниганларга ён босмаганлар. Тан олинг, ўша диндорлиги учун жарималар солинган, ўлимга маҳкум этилган аждодларимиз ҳеч қачон ҳаром луқмага сотилмаганлар, ўз йўлларидан тоймаганлар, заррача бошқа оқимларга қўшилмаганлар. Тақиқларга, тазйиқларга қарамай, биронта фарзандимизнинг қулоғига азон айтилмай қолган эмас, оила қурганда ҳеч ким шаръий никоҳсиз гўшангага қадам босганмас, боқий дунёга кузатилганда жаноҳасиз, кафансиз кўмилмаган. Ёдимда, бир коммунист ака вафот этганларида, бетавфиқлар диний маросимларни қаттиқ таъқиб қилиб, тўрт тарафни қуршаб турганда ҳам, жаноза ўқиш йўлини топганмиз. Ноиложликдан ғассолга жаноза ўқитиб, сўнгги йўлга кузатганмиз.

Ўша даҳшатли кунларда ҳам халқимиз исломий туйғусиз яшамаган. Йўлбошчимиз айтганларидек: **«Дин бизнинг қон-қонимизга, оғу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.**

Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда».

Шундай экан, халқимизни, унинг минг-минг йиллик тарихини, маънавий ҳаётини, дину диёнатини билган, озгина бўлса ҳам фикр қиладиган одам тушунадики, бизга ташқаридан келиб динни ўргатишнинг, турли оқимларга тортишга уринишнинг ҳожати йўқ. Халқимиз мусулмончиликни, Оллоҳни танишни, Тангри Таолога шукроналар этишни, охиратни ўйлаб яшашни жуда яхши билади, дин арконларини имони, эътиқоди амри билан адо этади. Ўзининг кўп йиллик Оллоҳ буюрган, танлаган йўли, ишонган Имом Аъзам мазҳаби бор. Ўзбек халқи ўзининг саралаб олган, синовлардан муваффақиятли ўтган ушбу йўлидан ҳеч қачон қайтмаган, қайтмайди ҳам. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, дини ҳақида гап кетар экан, хориждан бўладиган даъватга, янги бир партияга, оқимга эҳтиёж йўқ. Ташқаридан мажбуран киритиладиган ҳар қандай бегона мафкура, сиёсат, тартиб ўлимга маҳкум. У 70 йил зўрмазўраки ҳукм сурган, охир-оқибатда илдиз отолмай қуриган дарахтдай ўтин бўлган марксизм-ленинизм таълимоти, коммунистик ахлоқ сингари йўққаликка дахлдордир. Бинобарин, муқаддас Ислом динини ниқоб қилиб олиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб, ақидапараст кучлар, табиийки, халқимизни чалғита олмайди. Билиб-билмай уларга эргашган айрим гўр ёшларнинг югургани сомонхонагача, улар бир гуруҳ адашган нафс бандалари. Халқимизнинг қўлида, дилида Ислом динининг нурли йўлини ёритиб турган, бутун жаҳонда Ислом дунёси тан олган, беадад эҳтиром билан эътироф этган Имом ал-Бухорийлек, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, аз-Замахшарийдек бобокалонларининг, пири комилларнинг тафаккур машъали бор.

Эй, жиҳодга отланган сотқин бандалар, атрофингизга бир назар ташланг. Ҳеч бир халқ, мамлакат, келинглар, бизга эгалик қилинг, бизни бошқаринг деб айтаётгани йўқ-ку? Бунинг учун қон тўкилиши, давлат тўнтаришлари ясаш керак бўлади-ку? Бу мақсадни амалга ошириш учун тинч аҳолини қиришга, етим-есир сонини кўпайтиришга тўғри келади-ку? Нега ўйламайсиз, нега кўз ўнгингизга келтирмайсиз? Қилмишингиз мусулмонларни тубсиз жарга ағдариши мумкин. Эй, Оллоҳим, ҳайрон қолади, нечун адашган ёшларимиз худо берган фаҳм-фаросатни кенгайтириб ололмаяптилар, нечун ўзларига қуйидаги саволни бермайдилар: **Сен ўзи кимсан? Кимларнинг авлодидансан? Кимларга эргашаяпсан? Хўп, майли, эргашдинг ҳам дейлик, лекин қилаётган ишинг нима натижа беради? Бундан кимга нима фойда ёки зарар етади? Ўйладингми? Бугун маҳбус бўлиб, симтўр орқасида қилмишига пушаймон бўлиб ўтирган 22 нафар жиҳод гуруҳининг айбини бўйнига олиб, ўзидан ўзи ҳазар қилиб, кечирим сўраётганини эшитмадингми? Шундай кун сенинг бошингга тушса, ота-онанг, қариндошуруғлар, Ватанинг қай аҳволга тушади, бир ўйлаб кўрдингми?**

Мана, масалан, битта диний ғоя асосчисини олиб кўрайлик. «Ҳизбут-таҳрир», яъни «Озодлик партияси»нинг ғоясини кўриб чиқайлик. Шуни билингки, инсон ҳамиша озод. Бировга қул қилиб яратилмаган. исломнинг беш арконининг ўзи инсонни эркин этади.

Қуръонда Оллоҳдан ўзгадан нажот кутмаслик буюрилади. Оллоҳдан бошқасига тиз чўкмаслик уқтирилади. Бешта фарзни Оллоҳ буюрган арконни олтита, еттита қилишлик бу ширк эмасми? Бир оқимнинг йўлбошчисига, ўша бир Набҳонийга ёки Абдулқадим Заллумга сиғиниш керак эмас. Улар ғояларини илоҳийлаштириш ҳам керак эмас. Бу ширк бўлади. Оллоҳнинг каломи Қуръон турганда, Ҳадислар турганда шуларни ўқиб, илмни ошириш ўрнига иғво, бўҳтон билан тўла бўлган варақани тарқатишга ва ўша иғво варақани деб гуноҳга ботишга, азиз жонини нобуд қилишга бу ёшларни ким мажбур қилаяпти? Шу ўринда Чингиз Айтматовнинг манқурт деган қаҳрамони ёдимга тушади. Онаси учун жонини беришга тайёр турган бола душманлар томонидан манқуртга айлантирилгач, ўз туққан онасини танимайди... Ё раббим, бу афсона дегандим ўшанда. Бугун эса дин ниқобидаги манқуртларни ўз кўзим билан кўраяпман. Бу адашган кимсалар ўз ота-онасини танимаса-я! Бундайлар ота-онани йиғлатади, имонга қарши юриб куйдиради. Варақа тарақатадигану, жанг қиладигану, одам ўлдирадигану, керак бўлса, ўзини ҳам қўшиб ўлдириб юборадиган бўлса, булар — манқуртлар, зомбилар эмасми?

XIX-XX асрларга келиб «исломий» деб ном олган турли-туман фирқалар кўпайиб кетди. Уларнинг ҳаммаси ҳам дин ниқоби билан ғаразли мақсадларда иш юритувчи оқимлар эди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақиқий мусулмонларнинг нафратини қўзғайди. Мана шу ўринда бир нарсани айтай. Уйида озгина бўлса ҳам ислом динини билган оиладан бунақа манқуртлар чиқмайди. Ақидапарастларга қўпроқ ислом тушунчаси бўлмаган, динни билмаган оилаларнинг болалари қўл келиб қолаяпти. Охир-оқибатда бундай нияти бузуқ партиялар, оқимлар мусулмонман деб юрган одамларни залолатга, куфрга бошлайди. Болани ота-онага тескари қилиб қўйишгача боради.

Қуръони Каримнинг «Оли Имрон» сурасида «Эй, мусулмонлар, фирқага бўлинманглар», деган сўзлар битилган. Қуръони Каримни муқаддас билган барча мусулмонлар доимо ҳамжиҳат бўлиб яшашлари жоиздир. Умуман, ислом динида исломий партиялар тузилишини тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, ҳар қандай киши Оллоҳга ва унинг Расулига имон келтириши билан мусулмон бўлади ва мусулмонлар қаторидан жой олади.

Энди фирқаларнинг аҳли мусулмонларни пароканда қилишига келсак, бу ҳам бор гап. Негаки, ўзларини исломий деб даъво қилаётган партияларнинг асл муддаолари динни қурол қилиб олиб, ҳокимиятни эгаллаш бўлса-да, бунинг учун кураш йўлларида зиддиятлар бор. Улар бир-бирларини ана шу зиддиятлар асосида танқид ҳам қиладилар, ўз ғояларини олдинга сурадилар. Ҳамма фирқа ўз ғоясини Оллоҳнинг каломи билан асослаш мақсадида уни турли томонга буриб, гуноҳи азимга ботмоқдалар. Масалан, Исломий уйғониш партияси дастурини олинг, номининг ўзи зиддиятли. Ислом қачон ухлаган, ким уни уйғотади? Ахир бу Оллоҳнинг дини бўлса-ю, ухлаб қолса, қайси мантиққа тўғри келади? Набҳонийга ўхшаганлар уни уйғотадими? Исломий уйғониш партияси дастурида ўз ислом давлатини сайлов, референдум, музокаралар орқали юзага келтиради, дейдилар. Ҳизбут-таҳрир партияси эса Халифалик давлатини тиклаш учун аъзоларига қанчалик тазйиқ бўлса ҳам чекинмаслик, фаолиятини асло сусайтирмаслик, бу ҳақда қасам ичиш мажбуриятини юклайди.

Ҳазрати Умар (РА) айтган эканлар: **«Исломни уч нарса бузади: олимнинг хатоси, мунофиқнинг Қуръонга таҳлил бериши, яъни кофир бўлиб туриб, зоҳиран мусулмонман дея таҳлил ва тафсир қилиши, Оллоҳ йўлидан адашган имомнинг ўрни. Шу учовидан қай бири ғалваларни чиқараётган десак бўлади».**

Одамларни бир-бирига қарши қўйиб, жанжал чиқариб, мусулмонларни таҳликага солиб, диний оқимман деб юрганларнинг ғояси битта: халифа бўлмаса — мусулмон давлати бўлмайди. Шунинг учун халифа сайланиши керак эмиш. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, дунёнинг эгаси Оллоҳнинг бирон каломида Агар халифангиз бўлмаса, мусулмон бўлмайсиз, халифа сайлаб олмасангиз, рўзаларингизни, ибодатларингизни, солиҳ амалларингизни қабул қилмайман деган сўзи борми? Оллоҳ-ку имонни оладиган, жон бериб, жон оладиган. имонни Оллоҳ бермаса қаердан олади?

Биродарлар, ёшлар, яхшилаб ўйлаб кўринг. Битта одам халифа бўлса, ҳамма одам ўзўзидан мусулмон бўлар эканми? Йўқ, албатта, бу гапда на мантиқ бор, на ҳақиқат. Пайғамбаримиз замонида ҳам мунофиқлар бўлган. Биз мусулмонмиз деб динимизга раҳна солиб юришган. Пайғамбаримиз ҳам уларга ишониб, мунофиқларни дарҳол била олмаганлар. Оллоҳ билдирган. Ким мунофиқ, ким мусулмонлигини аён этган. Барчани мусулмон қиламан деганлар пайғамбаримиздан ҳам ўзларини юқори қўймаяптиларми? Бир ўйлаб кўринг, бу мумкинми, ахир? Тепамизда тақдири илоҳий турибди-ку? Оллоҳ хоҳлагани бўлади.

Динни ниқоб қилиб олган оқимларнинг энг беандиша томонларидан яна бири шундаки, улар бизнинг диёримизга четдан кириб келган. Улар 14 асрдан буён яшаб келаётган Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи мазҳабини, Ҳанафия мазҳабини инкор этдилар. Ота-боболаримиз ибодат қилиб келган бу мазҳаб йўлларини ўзларича танқид қиладилар. Уларнинг фикрича, бизнинг шунча асрлардан буён дини исломга хизмат қилиб келаётган валиюллоларимиз, улуғ мутафаккирларимизнинг ибодатлари нотўғри эмиш. Бинобарин, шу диёрда яшаб келган барча мўминмусулмонларнинг ибодатлари хато эмиш. Буни улар андишасизларча, беҳаёларча ошкора гапирадилар. Аёнки, диёнати йўқ одамда на андиша бўлади, на ҳурмат. Оллоҳни билган одам бировнинг ибодатларини таҳқирламайди. Ўзлари ҳеч нарсаннинг фарқига бормайдилар. Мазҳабларнинг келиб чиқишини, кимлар асос солганини ҳам билмайдилар. Мазҳабимиз Абу Ҳанифа (РА) мазҳабининг соҳиби қандай инсон бўлган эканлигини тасаввур ҳам қилмайдилар. Бу йўл неча асрлар оша яшаб келаётганини, ҳаётийлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Булар жоҳиллар. Буларнинг мақсади тожу тахт, маишат, миллатни миллатга қарши қўйиш, исломни заифлаштириш, адоват уруғини сепиб, фитна чиқаришдир.

Ислом динининг замирида, Ҳанафия мазҳабининг асосида эса дўстлик, инсониятни инсониятга иттифоқлиги, яхшилик қилиши ётади. Ёшларимиз буни яхшилаб тушуниб олишлари лозим.

Бизлар минг йиллар давомида Имом Аъзам мазҳабида бўлиб келмоқдамиз. Шу таълимот билан эътиқодланганмиз. Шу таълимотга бутун ота-боболаримиз амал қилиб келганлар. ҳеч кам бўлмаганлар. Бизлар эндиликда қайси эътиқод-у андиша билан шу йўлимизни ташлаб, бошқа йўлга ўтар эканмиз? Бу Нажмиддин Кубродек валийларни, Баҳоуддин Нақшбанддек буюк зотларни, Хўжа Аҳрор валийдек улуғ зотларни, Хўжа Аҳмад Яссавийдек алломаларнинг руҳи-покларини ранжитиш бўлмайдими? Бу ўта кетган беандишалик, маданиятсизлик, эътиқодсизлик, ўта кетган жаҳолат эмасми? Кечагина даъватга чиққан чала муллалар ота-боболаримизнинг ибодатларини асоссиз қоралаб ўтирса инсофданми? Хато ғоя учун ўзини қурбон қилишга тайёр турган соддадил юртдошлар! Ўйланг, фикр қилинг. Шундай қилсам, мен жаннатда бўлар эканман, деб адашманг. Оллоҳнинг иродасига қарши борманг, ўзингизни портлатиб, жаҳаннам ўтида ёнманг. Зулмни авжига чиқариб, мусулмончиликни унутиб, адашманг! Ё роббим, бу қабоҳатми, бу жаҳолатми, бунга сабаб нима? Бунга сабаб, такрор айтамиз, 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида дини Исломни халқ онгидан йироқлаштириб юборган даҳрий мустабид тузумдир. Бу аждодларимизни қатағон қилганларнинг ишидир. Худосизлар мафкурасининг аччиқ мевасидир. Албатта, булар қатта сабаблардан бири. Аммо Ислом динини билмаслик, илмсизлик ҳам бор бунда. Бу ўзининг қадриятларини, аввал ўтган олимларни, валийларни билмасликдан келиб чиқаётган номувофиқлик ҳамдир.

Шунинг учун ҳам, айниқса, инсонни ёвуз ниятлардан қайтарадиган, эзгуликка чорлайдиган қудратли имкониятга эга бўлган дин пешволарининг масъулияти жуда катта. Улар ўз фаолиятларида Қуръон ва Ҳадиснинг туганмас, теран маъноларидаги шундай қирраларини халққа етказишлари керакки, токи инсоният ёвуз кучлар туғдирадиган хавфнинг бутун оқибатидан огоҳ бўлсинлар! Дин пешволари учун эзгулик, инсонпарварлик ва адолат учун хизмат қилишдан ҳам юксакроқ амал йўқ.

Фозилқори ЁСИН ўғли.
(Давоми бор).

Муносабат

ЖИНОЯТЧИЛАРНИНГ НИҚОБИ ОЛИНДИ

Ҳар бир қишлоқ аёли сингари мен ҳам турмуш ташвишларидан ортиб, телевизор кўришга вақт тополмайман. Лекин ўтган ҳафтада намойиш қилинган "Февраль вокеалари" фильмини барча ишларимни йиғиштириб қўйиб, бутун оиламиз билан кўрдик. Унда бугунги тинч ҳаётимиз, болаларимизнинг бахтига хавф туғдираётган ходисаларнинг моҳияти очиб берилган.

ЎзАнинг вилоят мухбирлик пунктига мурожаат қилишимнинг яна бир сабаби бор. Гап шундаки, 16 февраль куни мен Тошкентда эдим — пойтахт шифохоналаридан бирида даволанаётган отамни кўргани боргандим. Терроручилар уюштирган портлашлар натижасида ҳалок бўлган айбсиз қурбонлар ҳақида эшитиб, кейинроқ ўзим шикастланган биноларни, кўчалардаги қон изларини кўриб, ҳайратга тушганман...

Ўша пайтдаёқ хаёлимда, эҳтимол, мамлакатимиздаги барча кишилар ҳаёлидаги сингари бир савол пайдо бўлган эди: бу ёвузликлар кимга керак эди ҳамда улардан кўзланган мақсад нима эди? Мана, ниҳоят, жиноятчилар юзидаги ниқоб олиб ташланди. Шу нарса аниқ бўлдики, демократ ҳамда "дин учун курашчи"лар ниқоби остида юрганлар жамиятимиздаги барқарор вазият, кишиларнинг аҳиллигини кўролмаётган экан. Улар ўзининг ҳокимиятга бўлган интилишида бирон-бир восита танлаб ўтирмайди — ўз мақсадига эришиш учун она-заминини қон билан булғашдан ҳам тоймайди.

Менга алам қиладиган жойи шундаки, бу жиноятчи тўда бошлиқлари орасида хоразмлик Муҳаммад Солиҳ ҳам бор экан. Мен уни ҳамюрт дейишдан ор қиламан. У илгари ўзини демократ деб эълон қилган эди. Очиқ сиёсий кураш ўрнига қотилликка қўл урадиган одам демократ бўлиши мумкинми?

Мен қарийб чорак асрдан бери қишлоқ мактабида болаларга дарс бераман. Худога шукрки, олтита фарзандни вояга етказдик. Ҳозир набираларимни кўриб, уларнинг қилиқларига тўймайман. Уғилларимдан бири Бердибек Аҳмедов Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқийди. Мустақилликка эришганимизга қадар фарзандларимнинг биронтаси мана шундай нуфузли олий ўқув юртида ўқишини тасаввур ҳам қилолмас эдим. Шуни айтишим лозимки, бу олий ўқув юрти ҳам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Унинг доно ва узоқни кўзловчи сиёсати Ўзбекистонимизнинг равнақ топиши, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Шунинг учун ҳам мен бу сиёсатни чин дилдан қўллаб-қувватлайман. Душманларимиз бирон-бир восита танлаб ўтирмайди — ўз мақсадига эришишга йўл қўймаслигимиз керак. Бутун Ўзбекистон халқини давлатимиз бошлиғи атрофига жипслашишга даъват қиламан.

Ойимжон ҚУРБОНБОЕВА,
Хоразм вилояти, Хонқа туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси. (ЎзА)



Миллий дастур: ҳамкорлик

ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАЙЁРЛАНАЯПТИ

Ўзбекистон ва Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) мутахассислари «Ўрта махсус ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини тайёрлашга киришишди. Шу мақсадда техник ёрдам сифатида Осиё Тараққиёт банки мамлакатимизга 175 минг АҚШ доллари миқдорида грант берди. Бу ҳақда мухбиримизга мазкур банкнинг Тошкентдаги ваколатхонаси миллий координатори Рафаэль Нодиршин маълум қилди.

— Айни пайтда ҳар икки томон мутахассислари Ўзбекистонда лицей ва коллежлар қурилиши билан боғлиқ аҳволни таҳлил қилмоқдалар. Улар «Ўрта махсус ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида республикага бериладиган қарз имкониятини 50 миллион АҚШ доллари миқдорида, деб баҳоламоқдалар, — деди. Р. Нодиршин.

Унинг айтишича, бу кредитлар компьютерлар, турли лаборатория ва лингофон хоналари учун ускуналар ва мебеллар харид қилишга сарфланади. Лойиҳанинг биринчи босқичига мувофиқ, Осиё Тараққиёт банки томонидан Ўзбекистондаги 35 та коллеж ва лицей энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Навбатдаги қарзни бериш тўғрисидаги масала эса Осиё Тараққиёт банки директорлар кенгаши томонидан шу йилнинг куз ойларида ҳал этилади. Ҳозиргача ОТБ Ўзбекистонга жами 210 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит берган.

«Ўрта махсус ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини фаоллаштириш мақсадида Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Баҳтиёр Ҳамидов бошчилигида мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилди.

«Туркистон-пресс».

БОЗОРНИНГ ЭШИГИ ҲАМИША ОЧИҚ

Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли жамоа хўжалигида ғалласи ўриб олинган 1000 гектар ерга маккажўхори экилди. Ҳаммаси — дон учун.

Маккажўхори — ўғитсевар экин. Лекин ўғит сўраб борганларга таъминотчи идоранинг марҳамат қилмоғи аримаҳол. Фондингиз тугади, деб тураверади.

Бозорнинг дарвозаси ҳамиша очиқ. Бироқ унга қуруқ қўл билан кириб бўлмайди. Жамоа бошқаруви раиси Эргаш Жумаев жумбоқнинг пайровини топди. Бир ҳожатимизга ярар деб, 30 гектар ерга пиёз экқандилар. Энди заводдан бозор фонди учун ишлаб чиқариладиган ўғитни шу маҳсулотга айирбош қилишмоқчи.

Хўжаликнинг ўғит таъминоти бўйича мутахассиси Холиқ Сатторов бўлса, 45 ёшга кириб, энди маркетинг илмини ўрганаяпти. Ён дафтарида узоқ-узоқ шаҳарларнинг коди. Қўлида ҳисоблаш машинаси. Қайси бозор қиммату қайси қулайлиги ҳақида қайдлар...

— Бизни бозор кўп нарсага ўргатаяпти, — дейди Сатторов кулиб.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОЛЛЕЖЛАР, ЛИЦЕЙЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН
МЕБЕЛЬ
Ўқувчилар столи (парталар), стуллари билан
Компьютерлар учун универсал столлар
Аудитория ва кутубхоналар учун столлар
Ўқитувчининг 1-тумбали столи
Кутубхоналар учун китоб жавонлари
Аудиториялар учун кийим илгичлар
Спорт заллари учун швед деворлари
ВА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА БОШҚА МЕБЕЛЛАР
Тел.: (371) 133-16-16, 133-06-26, 136-01-04
1922



«ЧОР БАКР» ЯШАРМОҚДА

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоронинг шундоққина биқинида Мадр қишлоғи бор. Қишлоқдаги «Чор Бакр» мажмуаси тарихий обидалардан ҳисобланади. Ушбу тарихий обида кўп йиллар давомида қаровсиз қолдирилганди. Айни вақтда уни қайта таъмирлаш учун қурилиш-таъмирлаш фирмаси ташкил этилган. Фирма Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардан таниқли усталарни таклиф этиб, фаолиш олиб бормоқда. Айниқса, Бухородаги Ширин Муродов номли «Меъмор» махсус илмий таъмирлаш- ишлаб чиқариш устахонаси усталари бу борада яқиндан кўмак бермоқда. Мустақилликнинг 8 йиллиги нишонланадиган кунларда мажмуанинг бир қисми фойдаланишга топширилади.

СУРАТЛАРДА: машҳур уста Зиёдулло Баратов ва шогирди Исмат Ашуров; мажмуанинг ташқи кўриниши; таъмирловчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Тадбиркорлар палатаси ҳаётидан

КЎРСАТМАЛАР БЕРИШДАН — АМАЛИЙ ИШГА

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида **«биринчи навбатда бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорларни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак»**лигини алоҳида уқтирдилар. Бу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг бир гуруҳ мутахассислари Жиззах вилоятида янги ташкил этилган Янгиобод туманида бўлиб, тадбиркорларнинг салоҳияти, истиқболи ва муаммоларини атрофлича ўргандилар. Сўнгра тадбиркорлар, деҳқон-фермерлар ва мутасадди раҳбарлар иштирокида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда туманда кичик ва ўрта бизнесни янада жадал ривожлантиришнинг имкониятлари кенглиги алоҳида қайд этилди. Чунончи, ишчи кучи, хомашё кўп, аммо бу салоҳиятдан фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи мини завод ва корхоналар етишмайди. Семинар-кенгашда ана шу муаммоларнинг ечимини топиш масаласига эътибор қаратилди. Бу эса асосан Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим. Ўз навбатида Палата бошқармалари зиммасига янги туманда хорижий инвестицияларни жалб этишни ташкил этиш учун зарур шарт-шароит яратиш, ҳам ички бозорда, ҳам яқин ва олис хориж мамлакатлари бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, меъёрий ҳужжатлар асосида лизинг ва кредит орқали мини технологик асбоб-ускуналар ва бутловчи қисмлар келтиришда кичик корхоналарга амалий ёрдам бериш вазифаси юклатилди.

«Ўзтадбиркорбанк» ва «Мадад» суғурта агентлиги эса туманда фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор инвестиция лойиҳалари асосида кредит беришда тадбиркорларга тезкор ёрдам беришни ўз назоратларига олдилар.

Туман тадбиркорлари шу куннинг ўзидаёқ корхона очиш, банклардан кредит олиш, лизинг ва чет эл сармоя ва технологиясини харид қилиш тартиби билан атрофлича таништирилди, бунинг учун зарур бўладиган меъёрий ҳужжатлар тўплами билан таъминланди.

Буларнинг бариси Палата ўз фаолиятини тубдан ўзгартириб, ҳудудлардаги тадбиркорлар билан амалий иш юритиш усулига ўтганлигидан далолат беради. Айни кунларда республика, ҳудудий ва туманлардаги палаталарда ташкил этилган Ахборот ва маслаҳат марказлари, вилоят ҳамда 170 дан ортиқ туманларда фаолият кўрсатаётган Модем-алоқа марказлари ҳам тадбиркорларга мададкор бўлмоқда.

Рауф ҒАФФОРОВ,
республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг бўлим бошлиғи.

ОЛАМГА БИР НИГОҲ

ИНТЕРПОЛГА БОШ КОТИБ САЙЛАНДИ

Интерпол бош котиблигига 42 ёшли Рональд Нобл сайланди. У Америка Қўшма Штатлари маъмурий идораларида ишлаган ва ундан олдинроқ эса молия вазири ўринбосари вазифасини бажарган. Нобл халқаро полиция ташкилотига раҳбар этиб сайланган биринчи америка фуқаросидир. У саккиз нафар номзод орасидан голиб чиқиб, Интерполга 14 йил давомида раҳбарлик қилиб келган британиялик Раймонд Кэнделл ўрнини эгаллади, дея хабар беради Россия матбуоти.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе сентябрь ойида Леонид Кучма ташаббуси билан Украинада бўлиб ўтадиган Қора денгиз ва Болтиқбўйи минтақаси давлатлари раҳбарларининг учрашувида иштирок этишга розилик билдирди. Бу ҳақда Президентнинг халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси Шалва Пичхадзе Интерфаксга маълум қилди. Унинг таъкидлашича, саммитда икки минтақа давлатларининг сиёсий, иқтисодий ҳамкорлиги ва транспорт йўллари ҳамда бошқа лойиҳаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Украина ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк ўзининг Грузияга қилган расмий ташрифи чоғида мазкур учрашув келгусида самарали ҳамкорлик учун муҳим омил бўлишини таъкидлади.

БМТ ХОДИМЛАРИ ШАРҚИЙ ТИМОРНИ ТАРК ЭТИШМОҚДА

Шу йилнинг 22 августида Шарқий Тимор аҳолиси ўртасида Шарқий Тиморнинг кейинги тақдирини белгилаш хусусида сўров ўтказилиши мўлжалланган. Ушбу тадбирга тайёргарлик олиб бораётган БМТ миссияси раҳбари, Бош котибнинг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Альваро де Сото агар Шарқий Тиморда фаолият олиб бораётган БМТ ходимларининг хавфсизлиги таъминланмаса, сўров ўтказиш тадбири амалга ошмаслигини маълум қилди.

БМТ ходимларининг ташвиш чекаётгани бежиз эмас. Негаки, кейинги вақтларда Шарқий Тиморнинг ажралиб чиқишига қарши кайфиятда бўлган аҳоли вакиллари БМТ ходимларига нисбатан бир неча бор безорилик ҳаракатларини содир этган. Натижада БМТ миссияси ўз ходимларини Шарқий Тиморнинг учта шаҳридан олиб кетишга мажбур бўлган.



Бугунги Хаконэ (Япония).

МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан паст кўрсаткичларга эга бўлган туманларига 64 миллион доллар миқдорида ёрдам кўрсатилишини маълум қилди. Махсус жамғармалардан йиғилган 15 миллион доллар Миссисипи, Луизиана ва Арканзас штатлари маҳаллий ҳокимиятларига ажратилади.

Куни кеча АҚШ Президенти Кларксдейл шаҳрида сўзга чиқиб, мазкур штатлар иқтисодиётини кўтариш учун умуммиллий компания бошлашга чақирди. Биз Африка, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларига маблағ сарфлашни кенгайтиряпмиз. Бироқ Миссисипи, Аппалачах ва ҳиндулар яшайдиган ҳудудлар ҳам ана шундай ёрдам олиш имкониятига эга бўлиши керак, деди Президент.

ПОРТЛАШ РЎЙ БЕРДИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида портлаш рўй берди. Бир киши ҳалок бўлиб, 20 га яқин одам яраланди. Портлаш одамлар гавжум бўладиган истироҳат боғида содир бўлди. Истанбул шаҳри маъмурияти раҳбари Эрол Чакир воқеа жойида бўлиб, Туркия телевидениесига берган маълумотига кўра, қўлда тайёрланган ушбу портловчи мослама ахлат яшигида қолдириб кетилган. Ҳозирча унинг ташкилотчилари тўғрисида бирор нарса дейиш қийин. Бироқ бу ишда курд ишчи партияси жангариларининг қўли бор, деб гумон қилинмоқда. Негаки, ўтган ҳафта уларнинг раҳбари Абдулло Ўжалон мустақил Курд давлати ташкил этиш мақсадида зўравонлик актлари содир қилганлиги учун Туркия суди томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган эди, дея хабар беради Би-Би-Си радиоси.

ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАРДА

ҚИРҒИЗИСТОН. Ўсмирлар орасида спиртли ичимликлар ичиш ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш ҳоллари тобора ошиб бормоқда, деб хабар беради "КАБАР" ахборот агентлиги мухбири. Кейинги беш йил ичида мамлакатда наркотик модда билан шуғулланувчилар сони беш баробар ортди, айни пайтда мамлакатда 12 минг нашаванд рўйхатга олинган. Бу маълумотлар Бишкекдаги ЮНЕСКО ахборот марказида бўлган матбуот анжуманида қайд этилган.

* * *

ҚОЗОҒИСТОН. Энергетика, савдо ва саноат вазири М.Аблязовнинг маълум қилишича, Қозоғистон ҳукумати маҳаллий тадбиркорларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни бошлади, деб ёзади "КаЗААГ" ахборот агентлиги.

Қозоғистон ҳукумати маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга 100 миллион АҚШ доллари миқдорида кўмак беришни мўлжаллаяпти. Мазкур маблағ товар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган корхоналаргагина берилади. Мисол учун, мамлакатнинг Уст-Каменогорск шаҳридаги "Май" ҳиссадорлик жамиятига 5 миллион долларлик кредит бериш масаласи кўриб чиқилди. Бу қарз корхонани замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаб, унинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилади.

* * *

ТОЖИКИСТОН. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, якшанба куни кечқурун Тожикистон ички ишлар вазирлиги матбуот маркази бошлиғи, 43 ёшли подполковник Жумахон Ҳотамий номаълум кишилар томонидан ўлдириб кетилган. Мамлакат ички ишлар вазирлиги ходимларининг маълум қилишича, қотиллик Душанбенинг ғарбий қисми, Зарафшон посёлкасидаги Ж.Ҳотамийнинг танишлари яшайдиган уйлардан бирида содир этилган. Фожиа сабаблари ҳали аниқланган йўқ.

Хабарда таъкидланишича, Ж.Ҳотамий мамлакатдаги таниқли журналистлардан бири ҳисобланган. Айниқса, у телевидение орқали ҳафтада бир марта эфирга узатиладиган "ИИВ маълумотлари бўйича" деб номланган кўрсатувда мамлакатда кундан-кун авж олаётган наркотик моддалар ва қурол савдоси билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқаётган эди.

Хориж матбуоти ва ЎзА хабарлари асосида А. МАДАТОВ тайёрлади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ПАРИЖ. 2003 йилда Европа коинот агентлиги (ЕКА) "Виртанен" кометасини ўрганиш учун "Розетта" планеталараро автоматик станциясини учиради. Ҳисоб-китобларга кўра, у комета билан 2011 йилнинг 27 ноябрида юзма-юз келади ва унга қўниш модулини жўнатади.

* * *

БОНН. ГФР ҳукумати 2002 йил 1 январидан бошлаб немис маркасини умумевропа ягона валютаси — еврога бутунлай алмаштиришни режалаштирмоқда.

* * *

ДЕҲЛИ. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, АҚШ ҳукумати Кашмир масаласида Ҳиндистоннинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Мамлакат конгрессменлари Покистон ҳарбийларининг Ҳиндистон ҳудудидан зудлик билан чиқиб кетишини талаб қилиб чиқди.

* * *

БЕЛГРАД. "Косово масаласи ҳал этилса, бутун Болқон минтақасида барқарор вазият юзага келади", деди НАТО Бош котиби Ҳ.Солана. У ушбу минтақага ташриф буюриб, Босния ва Герцеговина президиуми аъзолари билан мулоқотда бўлди.

* * *


НАЙРОБИ. Эфиопия ҳукумати эритреялик фуқароларни ўз ватанига қайтаришни бошлади. Кейинги икки кун ичида 3 мингдан зиёд эритреялик ўз ватанига жўнатилди.

* * *

ВИНДХУК. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Африка давлатлари бўйлаб сафарга чиқди. Бош котиб ўз сафарини даставвал Сенегалдан бошлади. Кофи Аннан Сенегалда уч кун бўлганидан сўнг Гвинея, Сьерра-Лионе, Либерия, Нигерия ва Жазоирга ташриф буюради.

* * *

ВАШИНГТОН. АҚШ маъмурияти "Толибонлар" ҳаракатига қарши иқтисодий жазо чорасини қўллашга қарор қилди. Оқ уй вакилининг маълум қилишича, Президент Билл Клинтон бу ҳақда тегишли фармойиш берган.





МАРОҚЛИ ДАМ

Элликқалъа туманида деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзоларининг кўнгилли дам олишлари учун ғамхўрлик кучайтирилмоқда. Яқинда «Дамба» бўлимида уларга атаб янги дам олиш уйи қуриб битказилди. Айни вақтда бу маскан ҳордиқ чиқарувчилар билан гавжум.

СУРАТЛАРДА: дам олиш уйининг умумий кўриниши; фермер Қаландар Матмуродовга бу маскан жуда маъқул тушди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ёзги таътил

ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ БУ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети жисмоний тарбия факультети кундузги бўлимида таълим олаётган тўрт талаба — жаҳон, Оврупо, Осиё чемпиони бўлди. Умуман, бу олий ўқув юртининг эллик олти талабаси — Ўзбекистон чемпиони, тўрт нафари — халқаро тоифада хизмат кўрсатган спорт устаси, қирқ икки илм толиби — спорт устасидир.

Бугина эмас. Ўтган йили университет жамоаси республика «Камолот» жамғармаси соврини учун ўтказилган мусобақаларда биринчи ўринни олишга муяссар бўлди. Университетнинг баскетболчи қизлари бир неча йилдан буён мамлакат чемпиони. Чим устида хоккей, волейбол, қизлар футбол командалари ҳам республика чемпиони бўлди.

Ютуқлар шунчаки ҳаракатлар билангина қўлга киритилаётгани йўқ. Ўқув юртида шунга мос шарт-шароитлар яратилган. Талабаларнинг мазмунли дам олиши, спорт билан жиддий шуғулланишига маънавий-маърифий ишларнинг таркибий қисми сифатида қаралади.

Ўргут тоғлари ёнбағридаги университетга қарашли соғломлаштириш оромгоҳининг обдон қайта таъмирланиб, замонавий талабларга жавоб берадиган даражага келтирилганлиги ҳам бу масалага эътиборнинг қай даражада кучли эканидан далолат беради.

Яқинда ана шу соғломлаштириш оромгоҳининг тантанали очилиш маросими бўлди. Шу баҳонада талабалар ўртасида кўплаб спорт турлари бўйича беллашувлар ўтказилди. Ғолибларга мукофотлар топширилди.

— Бу ишларимиз Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шу асосда ишлаб чиқилган «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепцияси»ни ҳаётга татбиқ этишдаги дастлабки қадамларимиз ҳисобланади, — дейди университет ректори, профессор Р. Холмуродов. — Соғломлаштириш оромгоҳининг биринчи гуруҳида айнан спортчи йигит-қизларимиз дам олаётгани ҳам бежиз эмас.

Ёзги таътилни мазмунли ўтказаётган, руҳан тетик, жисмонан бақувват ёшларимизнинг маънан баркамол бўлишига шубҳа йўқ. Маънан баркамол шахсларни эса ҳеч қандай ғайри куч енга олмайди.

Мурод ҲОШИМОВ.

ШАРТНОМА АСОСИДА

Гулистон туманида такрорий экинлар экишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил ғалладан бўшаган 2220 гектар майдонга такрорий экинлар экиш режалаштирилган. "Боёвут" хўжалиги деҳқонлари оралиқ экинлар экишни ҳозирдаёқ ниҳоясига етказдилар. Далаларга асосан дон учун эртапишар маккажўхори, полиз ва сабзавот экинлари экилди. Экин майдонларининг асосий қисми шартнома асосида оилавий пудратчиларга бўлиб берилган.

А. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

«КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ТАШВИШЛАРИ»

Газетанинг шу йил 14 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола чоп этилганди. Унда Фарғона вилоятида тадбиркорлар фаолиятини янада жонлаштиришга қаратилган мулоҳазалар ўртага ташланганди.

Мазкур мақолага вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси жаноб Б. Тойжоновдан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, 1993 йилдан 1999 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоят ҳудудида 16248 та кичик, хусусий корхоналар ва деҳқон-фермер хўжаликлари рўйхатга олинганлиги, шундан 13419 таси хусусий корхоналарни ташкил қилишлиги, 1993-1998 йилларда 5347 та кичик ва хусусий корхоналар шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари билан давлат рўйхатидан чиқарилганлиги аниқланди. 5347 та корхонанинг 3329 таси турли сабабларга кўра эгаларининг аризасига мувофиқ ва 2018 таси фаолият кўрсатмаётганлиги учун жойлардаги давлат солиқ инспекцияларининг ҳокимият органларига киритган тақдимномаларига асосан ёпилган.

Мақолада фаолият кўрсатаётган 8245 та ишлаб чиқариш субъектининг 2223 таси бозор иқтисодиётининг темир қонунларига дош беролмай ёки маблағ йўқлигидан иш юритмаётганлиги кўрсатилган эди. Вилоят ҳокимининг фармойиши билан тузилган ишчи гуруҳи томонидан 6 ой ва ундан ортиқ фаолият кўрсатмаётган корхоналар инвентаризациядан ўтказилганида, шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 2223 та корхона фаолият кўрсатмаслигининг асосий сабаби молиявий ҳолати оғир бўлганлиги, ишлаб чиқариш воситалари йўқлиги, тайёрланган маҳсулотини сота олмаганлиги, хомашё етишмаслиги эканлиги аниқланган.

Ҳақиқатдан ҳам, вилоятда 402 та корхона рўйхатга ўтиш даврида кўрсатилган манзилларида мавжудлиги, лекин солиқ идоралари томонидан текширилганда, ҳозир бу манзилларда фаолият кўрсатмаётганлиги аниқланган. Вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан туман ва шаҳар солиқ инспекцияларига маҳаллий ички ишлар органлари билан ҳамкорликда рўйхатга олинган корхоналарнинг ҳуқуқий манзилларини аниқлаш чораларини кўриш учун топшириқ юборилган.

«Пахта-банк»нинг Бешариқ бўлими ўзининг мижози «Хислат» хусусий дорихонаси билан 1999 йил 4 январда тузилган шартномасида 0,8 фоиз миқдорида хизмат ҳақи олинишига ўзаро келишилган ва шу асосда ҳисоб-китоб қилинган.

«Хислат» хусусий дорихонаси 1997-1999 йилларда Бешариқ туман касалхоналарига дори-дармонлар етказиб берган, туман марказий шифохонасининг ҳисоб рақамида пул маблағлари бўлмаганлиги боис олинган дори-дармонлар учун ўз вақтида пул ўтказиб беролмаслик ҳолатлари учраган.

Бундай ҳолатларнинг қайтарилмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Т. К. Камаловга акаси **Пазилбек Камалович КАМАЛОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Султонбек Пазилбекович Камаловга отаси **Пазилбек КАМАЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Турон» акциядорлик тижорат бирлаштирув банки бошқаруви банкнинг бўлим бошлиғи, меҳнат фахрийси **Умурзоқ Назарович ТУРСУНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

АЁЛ САДОҚАТИ

Менга ним табассум билан боқиб турган рафиқам — Маъфурабиби Турсунбой қори қизининг суратига термулар эканман, марҳума билан биргаликда иноқ яшаган олтмиш икки йиллик энг маъсуд, энг саодатли кунларим бир нафас бўлса-да, кўз олдимда намоён бўлади. Аёл меҳрининг қудратига лол қоламан. Садоқат аталмиш буюк қудратга таъзим қиламан.

КЕЧИРИЛГАН ГУНОҲ

Ўзаро меҳр-муҳаббат ва самимий ишонч, ширин лутф ва фидойилик, поклик ва шарм-ҳаё эр-хотин одоби ва садоқатининг асоси ва мезонидир. Турмуш мазмунини тўғри тушунган ва ўз қадр-қимматини яхши билган оила асосчилари йиллар мобайнида ана шу мезонга амал қилиб, тотув ҳаёт кечиргандар, ували-жували бўлганлар. Бу мезонга амал қилиш ва уни рўёбга чиқаришда эса аёл садоқатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Садоқатли аёл бор меҳргиёси ва қалб қўрини умр йўлдошига ва фарзандлари камолига бахш этади. У турмушнинг аччиқ-чучугига ҳам, унинг оғир-енгилига ҳам сабр қилади, жуфти ҳалолига бўлган садоқатини сақлайди. Шунинг учун ҳам Шарқнинг аллома шоирлари — Фирдавсий, Саъдий, Румий, Жомий ва Навоий ҳазратларининг шоҳ асарларида аёл садоқати мадҳ этилиб, теран фикрлар тараннум қилинган.

Жумладан, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» асарида ҳикоя қилинишича, Амир Темур Ҳиндистонга қилган юришида қаттиқ қаршилик кўрсатган асирларни ўлимга буюради. Ҳукм ижро қилинаётган вақтда навбат бир эр-хотинга келади. Шунда хотин: «Эй, жаллод, менинг каллами олдин танимдан жудо қилишингни сўрайман. Токи, эримнинг ўлимини кўрмайин», дебди. Шу заҳоти эри фарёд қилиб «Йўқ, олдин мени қатл қилинглар, токи мен вафодоримнинг ўлимини кўрмайин», деб илтижо қилибди. Бу воқеани Соҳиб-қилибди. Соҳиб-қирон эр-хотиннинг бир-бирига бўлган садоқатини эъзозлаб, гуноҳларини кечибди. Шу билан бирга, ўлимга ҳукм қилинган барча асирларни ҳам авф этибди.

Аёл садоқати шунчалар қудратлидирки, у ҳар қандай бўҳтону ёлғонни, ҳасаду риёни, ҳатто ўлимни ҳам енгади.

ИСКАНДАР ВА РУХШОНА

Қадимги юнон файласуфлари айтган ва бизгача етиб келган ривоятлардан бирида ёзилишича, македониялик саркарда Искандар (Искандар Зулқарнайн) айни қирчиллама ёшида Сўғдиёна ҳукмдори Оксиортнинг қизи — Рухшонани севиб қолади ва унга уйланади. Ўта соҳибжамол ва етук оқила бўлган Рухшона ҳам подшога кўнгил қўяди ва умр йўлдошининг ишончини оқлайди. Улар бир-бирларини тушуниб, ўзаро садоқатда жуда иноқ яшашади. Лекин тақдир тақозосини қарангки, Искандар айни куч-қувватга тўлган чоғида — ўттиз уч ёшида тўсатдан вафот этади. Бу мудҳиш ҳолатни ўз кўзи билан кўрган Рухшона чуқур изтиробга тушади, фарёд чекиб ўзини эрининг мурдасига ташлайди ва уни қучади. Сўнгра Искандарнинг камаридаги ханжарни олиб, ўзининг кўкрагига санчади... Гарчанд бу бир ривоят бўлса-да, аёл садоқатининг қуч-қудрати нечоғлик улкан эканлигидан далолатдир.

УМАРХОН ВА НОДИРАБЕГИМ

Тарихнавис ва адабиётшунос олимларнинг шаҳодат беришларича, кунлардан бир куни Қўқон хони Умархон билан унинг садоқатли завжаси, шоира Нодирабегим ўрталаридан «ола мушук» ўтиб қолибди, яъни андак англашилмовчилик чиқибди. Шунда бир озгина қизишган Умархон Нодирага юзланиб: «Хонимбегим, бу маскандан ўзингиз яхши кўрган энг қимматли нарсани олиб, Андижонга жўнаб кетишингиз мумкин», дебди.

Шундан сўнг оқшом кириб, қоронғи тушгач, Умархон кечки овқатни танаввул қилаётиб, гиёҳдан тайёрланган уйқу дори аралаштирилган чойни билмай ичиб юборибди ва ухлаб қолибди. Хон эрта наҳорда уйғониб қараса, аравага тўшалган яп-янги, тоза шоҳона тўшак устида ётибди, ёнида Нодирабегим парвона бўлиб ўтирибди. Умархон Нодирага юзланиб, «Бу не ҳол, биз қаён кетяпмиз?» дебди. Нодира эса кулимсираб: «Ҳазратим фармойишлари камина учун муқаддасдир. Шу боис мен уни дарҳол бажаришга киришдим, яъни дунёда меним учун энг азиз, энг қимматли зотни олиб Андижон сари кетаётирман», дебди.

Бу илиқ ва ёқимли гапларни эшитган Умархон роса кулибди ва Нодирабегимнинг биллурдек пок садоқатига тан берибди ҳамда бу ноёб садоқатни авайлаб-асраш, қадрлаш ва эъзозлашга яна бир бор аҳд қилибди.

Умархон янглишмаганди. Тарихдан маълумки, Нодирабегим садоқати Бухоро ҳукмдори амир Насруллохон босқини ва зуғумини ҳам маънан енгиб ўтди. Шоира уч фарзандидан жудо бўлса-да, таслим бўлмади, садоқатга хиёнат қилмади, балки ўзига севилган одам севиши керак. Бас, шундай экан, садоқатли эр аёлини бир нозик гул, деб билмоғи ва қадрламоғи лозим. Аёл олтин узук бўлса, эр унга қўйилган ёқут кўздир.

Саъдий Шерозий айтганлар:

Хотин бўлса қобилу ақли расо,
Эрни шоҳ этар гарчи бўлса гадо.

Юқорида баён қилинганлардан мантиқан шундай хулоса келиб чиқадики, аёл киши ўз садоқатига содиқ бўлиши учун мустаҳкам иродали бўлиши, ўз қадр-қимматини, номус ва иффатини кўз қорачиғидек сақламоғи даркор. Агар у вафо ва садоқатдан юз буриб, хиёнат йўлига ўтса бас, ор-номус топталади. Ширин ва ҳалол турмушга ҳаром оғу аралашади. Тотув оила шаънига доғ тушади ва у барбод бўлади, бегуноҳ болалар эса тирик етим бўлиб қоладилар. Ҳазрат Навоий ўз вақтида бундай гуноҳи азимнинг асл моҳиятини фош қилиб: **«вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кишида бу икки йўқ — иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ — андин одамийлик келмоққа имкон йўқ»**, деганлар.

Ўзаро садоқатнинг кучи эр-хотинлик бурчини чуқур англаш ва уни оғишмай бажаришдадир. Демак, жамият, оила ва фарзандлар олдидаги масъулиятли вазифаларни тўла-тўкис бажариш учун икки томон ҳам баб-баравар курашмоғи даркор.

Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси.



Ғузор туманидаги «Қалдирғоч» хусусий телекомпанияси кўрсатувларини бугун 300 мингдан ортиқ аҳоли томоша қилмоқда. 19 кишидан иборат жамоа бир кунда 8 соатлик кўрсатув тайёрлайди. Телекомпания замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани боис, унинг кўрсатувлари олис тоғ қишлоқлари аҳолисига ҳам техник нуқсонсиз узатилаяпти.

— Кунига жами уч ярим соатлик кўрсатувларимизни бевосита туман меҳнаткашлари ҳаётига бағишлаяпмиз, — дейди телекомпания раиси Рашид Шарипов. — Ўзимизнинг мухлисларимиз бор. Улардан мунтазам хат-хабарлар олиб турамиз. Бугунги кунда кўрсатувларимиздан учта туман аҳолиси баҳраманд бўлаяпти. Яқин келажакда томошабинларимиз сонини бир миллиондан ошириш ниятимиз бор.

СУРАТДА: ижодий жамоа аъзолари навбатдаги кўрсатув олдидан.

Жўра АВАЗОВ олган сурат.

ЁШ ДОИРАЧИНИНГ ЮТУҒИ

Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган «Зарб-99» доирачи ёшлар кўрик-танловида Ғузор туманидаги 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Жамол Маҳмудов ғолиб чиқди.

Ёш доирачи Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди. Энг муҳими, у мактаб ўқувчиларининг республика «Умидли ёшлар» уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.


Н. РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" ГАЗЕТАЛАРИГА



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Матбуотчилар кўчаси, 32, "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни биноси, иккинчи қават, 256-хона.



Маълумот учун телефонлар: 136-09-25, 132-10-63.
"Хабар" реклама-ахборот бўлими.

СПОРТ

Қадимий воҳанинг тарихий ёдгорликларида руҳий, маънавий, жисмоний камолот эгалари бўлган бобокалонларимиз эътиқоду ихлосининг, меҳру садоқатининг, куч-ғайрат ҳамда ҳимматининг акси мужассам. Уларга Хоразм бетакрор ва алпқомат полвонлар эли эканлигининг рамзлари синггиб кетмаган, деб ким айта олади? Ахир, осмонўпар миноралару нилий гумбазларни бунёд этиш учун руҳий, маънавий салоҳият жисмоний куч-қувват билан уйғунлашиб кетиши лозимлиги ортиқча изоҳ талаб қилмайди.

САЛОҲИЯТ ЕТАРЛИ,

Мағрибу Машриқда маълум ва машҳур Паҳлавон Маҳмуднинг асрлар оша хира тортмай келаётган шон-шавкати ҳам Хоразмда миллий кураш мактаблари жуда қадимий илдизларга эга эканлигидан дарак беради. Бугунги кунда вилоят полвонлари ўзларининг улуғ ўтмишдошларига муносиб ворислар бўлишга, уларнинг анъаналарини давом эттириб, бойитиб боришга интилмоқдалар.

Паҳлавон Маҳмуд хотираси соврини учун ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб келинаётган халқаро мусобақа бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Унда Туркманистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон, шунингдек, республикамизнинг барча вилоятларидан миллий курашчилар қатнашадилар. Миллий кураш оммавийлигини ошириш, полвонлар маҳоратини ўстириш мақсадида вилоят ҳокимлиги, миллий кураш федерацияси, телерадиокомпанияси соврини учун халқаро телевизион фестиваль ҳам ўтказилмоқда.

Умуман олганда, кураш вилоятдаги энг оммавий ва ривожланган спорт тури ҳисобланади. Катта авлодга мансуб марҳум полвонлар — Қаландар полвон, Бобожон Мадаминов, Олим Султонов, Давлат Сафоев, Раҳимбой Машарипов, Норбой Отажоновларнинг номлари ҳали кураш ихлосмандларининг ёдларидан чиққани йўқ. Чунки уларнинг ҳар бири миллий курашни ривожлантиришга кичик бўлса-да, ўзига хос маҳорат ва услуб кашфиётларини қўшишди, Халқаро беллашувларда республикамиз спорт шарафини юқори кўтаришди.

Устозлар анъаналарини Рустам Йўлдошев, Эгамберди Нуниёзов, Саъдулла Қурёзов, Озод Ражабов, Даврон Қаландаров, Отабой Давлетов, Рустам Отажонов, Равкат Шахмаев, Раҳим Машарипов сингари полвонлар давом эттиришди. Нафақат спорт мусобақалари, балки тўю тантаналар уларнинг иштирокисиз ўтмади. Р. Шахмаев ва Р. Машариповларнинг жаҳон чемпионатларида «кумуш» медалларга сазовор бўлганлиги уларнинг юксак маҳоратларидан бир дарак эмасми?

Кенжа авлод вакиллари орасидан ҳам кўпгина номдор ва машҳур курашчилар етишиб чиқди. Урганчлик Алишер Йўлдошев, Рустам Юсупов ва Тоҳир Бобожоновлар шулар жумласидан. Улар бу йил самбо, дзю-до ҳамда миллий кураш бўйича республика биринчиликларининг ғолиблари бўлишди.

Вилоятдаги 26 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 17 тасида кураш бўлимлари мавжуд. Уларда 6 мингдан зиёд ёшлар ўз маҳоратларини оширишмоқда. 94 нафар мураббий ёш полвонларга сабоқ беради.

Урганч шаҳри, Янгиариқ, Боғот ва Хива туманларида умидли полвонларнинг мунтазам машғулот ўтказишлари учун етарли имконият ҳамда шарт-шароитлар яратилган.

Шу ерда мавзуни бироз ўзгартиришга тўғри келади. Салоҳиятли полвонлар етарли бўлган бир пайтда нима учун вилоят вакиллари Тошкентда ўтказилган миллий кураш бўйича I-жаҳон биринчилигида иштирок этишмади?

Бу саволга жавоб олиш учун, аввал вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Дурдибой Ражабовга мурожаат қилдик.

— Албатта, ишимизда муайян камчиликлар бор, уларни бартараф қилишга астойдил интилаяпмиз. Жаҳон биринчилигида икки полвонимиз қатнашиши мўлжалланган эди, — дейди у. — Лекин жароҳатланганликлари туфайли улар қатнаша олишмади. Келгуси чемпионатда ғолиблар қаторида, албатта, хоразмлик миллий курашчилар ҳам бўлишади...

Яхши ният — ярим мол, деган гап бор. Лекин фақат ниятнинг ўзи билан иш битмаслиги аниқ. Шу сабабли, юқоридаги саволлар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга тўғри келади.

Вилоятда миллий курашнинг ривожланиши асосан болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳиссасига тўғри келади. Ундан кейинги босқичларда эса бу борадаги тараққиёт сусая боради.Бунинг иккита асосий сабаби бор. Биринчидан, катта ёшдаги полвонлар учун машғулотлар, мусобақаларга тайёргарлик кўриш марказлари кам. Қолаверса, уларга сабоқ берувчи, масъулиятли беллашувларга сафарбар этувчи мураббийлар бармоқ билан санарли. Ўтган йили вилоятда миллий кураш бўйича биринчилик телевизион фестиваль тариқасидагина ўтказилди.

Вилоятнинг бир қатор туманларида спорт базалари ночор аҳволда. Жумладан, Урганч туманидаги спорт мактаби ҳанузгача ўзининг замонавий спорт залига эга эмас. Ёш полвонлар машғулотларни ўрта мактабларнинг залларида ўтказишади. Ҳолбуки, миллий кураш бўйича вилоят терма жамоасининг қарийб учдан бирини шу туман спортчилари ташкил этади.

Янгибозор туманидаги спорт мажмуини бунёд этишга бундан 17 йил илгари киришилган эди. «Туя гўшти еган» бу қурилиш яқин орада битиши ҳам гумон. Янгибозорлик кўпгина иқтидорли полвонларнинг юқори даражадаги мусобақаларда қатнашиш учун имкон топа олмаётганликларининг сабабларидан бири ҳам шу бўлса ажаб эмас.

Кўп йиллардан буён Гурлан тумани вакиллари ҳам вилоят мусобақаларида ўзларини кўрсата олишмаяпти. «Нима учун Гурландан таниқли полвонлар етишиб чиқмаяпти?» деган саволимизга туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси С. Эрметов болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кураш анжомлари, турли жиҳозлар яроқсиз аҳволга келиб қолганлигини, шунингдек, молиявий қийинчиликларни баҳона қилди.

— Полвонларимизнинг куч-ғайратлари, салоҳиятлари етарли, — дейди таниқли полвон, спорт устаси Одилбек Отаниёзов. — Лекин уларни бир марказга жамлаш, катта мусобақаларга сафарбар этишиши кўнгилдагидек эмас. Қолаверса, спорт мактабларимиз моддий базаларини мустаҳкамлаш зарурати ҳам яққол сезилади.

Яқинда вилоят миллий кураш федерацияси янги таркибда иш бошлади. Полвонларимизнинг халқаро мусобақалардаги фаол иштирокини таъминлаш юзасидан кенг тадбирлар белгиланди. Ҳадемай, қувончли натижалар ҳам кўзга ташланиб қолишидан умидвормиз.

Федерациянинг тадбирлари умидбахш. Шу ойда, аниқроғи, 10-12 июлда катта ёшдаги полвонлар ўртасида вилоят биринчилиги ўтказилади. Унда барча шаҳар ва туманлардан вакиллар — миллий курашчилар қатнашадилар. Сентябрда эса ёш ва ўсмирлар ўртасида очиқ биринчилик бўлиб ўтади. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан ҳам халқаро турнир ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, хоразмлик спорт мутасаддилари, полвонлар ўзларининг кўнгилларидаги орзу-ниятларига эришиш учун жиддий ҳаракат бошлашди. Чала қолган спорт иншоотлари қурилишини жонлантириш тадбирлари белгиланди. Спорт мактабларига ҳомий ташкилотлар ёрдам қўлини чўза бошлади.

— Вилоят отчопари базасида миллий спорт турлари, жумладан, курашни ривожлантириш маркази яқинда иш бошлайди, — дея сўзида давом этди Д. Ражабов. — Боғот туманидаги И. Дўсов номли жамоа хўжалигида олимпия ўринбосарлари тайёрлашга мўлжалланган спорт коллежи, Хива шаҳрида спорт мактаб-интернати ҳам шу йили фаолият кўрсатади. Шунингдек, Урганч давлат университетида жисмоний тарбия ва спорт факультети очилиши ишимизга катта мадад бўлади...

Вилоятда миллий курашни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар ўтган йиллардагидан кескин фарқ қилади. Яқин вақтлар ичида бунинг натижаси намоён бўлишига ишонч бор.

Энг муҳими, келгуси йили Самарқандда ўтказиладиган кураш бўйича II жаҳон чемпионатида Хоразмдан ҳам ғолиблар чиқишига умид катта.

Баҳодир БЕКЧОНОВ,
спорт устаси, халқаро тоифадаги ҳакам.
Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АММО...

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0548, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II rmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — А. МАДАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6

ОКЕАН ОРТИГА — СЕМИНАРГА

Мингбулоқдик Матлуба Мадаминова — инглиз тили муаллимаси. У узоқ йиллардан буён ёшларга жаҳон тилидан сабоқ бериб келади. Айни пайтда тумандаги Ш. Рашидов номли лицей-мактабда раҳбар.

Тажрибали муаллима меҳнат фаолияти давомида мутахассислиги юзасидан кўплаб минтақавий тадбирларда иштирок этган. Унинг бу галги сафари эса Америкага белгиланди. Бунга у АҚШ ҳукумати, Ахборот агентлиги ҳамда таълим ва тил ўргатиш бўйича Америка Ҳамкорлик Ташкилоти (АКСЕЛС) 1999 йил учун ўтказилган «Инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда аълочилик мукофоти» дастури асосидаги танловда ғолиб чиқиш орқали эришди. Ўзбекистонлик 10 нафар ҳамкасблари билан бирга Матлуба ҳам АҚШ ўқитувчилар малака ошириш семинарида қатнашиш учун океан ортига жўнаб кетди.

Шундай қилиб, тажрибали муаллиманинг меҳнат таътили АҚШ сафари таассуротлари билан янада бойийдиган бўлди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олтинкўл туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи катта Фарғона канали бўйидаги супургизорда оёклари танасидан ажратилган жасад топилди. Ҳуқукни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари олдига жасаднинг шахсини аниқлаш ва жиноятни очиш вазифаси қўйилди. Бу ишга вилоят ички ишлар бошкармаси жиноят қидирув бўлимининг бошлиги раҳбарлигида тезкор ходимлар ва прокуратура терговчиси жалб этилди. Нихоят, котиллик сири бир ой деганда очилди.

МАКР ОРТИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Ҳукмдан сўнг

Аёлларнинг шарм-ҳаёси, назокати, латиф ва дилбарлиги ҳақида кўп гапирилади. Тўғри-да, у бор жойда гўзаллик, орасталик, файз-тароват ҳукм суради. Аёл — оила чироғини ёқувчи бека. Авлодлар сафини кўпайтирувчи мунис она. Афсуски, шоли курмаксиз бўлмаганидек, биз номларини тилга олмоқчи бўлган кимсалар муқаддас аёл номига доғ туширишди. Гулчеҳра нафақат иснод келтирди, балки у никоҳсиз яшаётган хуштори Омониллони жиноят йўлига етаклади ҳам. Омониллонинг бошқалардан унча-мунча қарзи борлигидан фойдаланиб, тузоққа илинтирди.

— Мавлуда исмли дугонам бор. У жуда бой, тилла тақинчоқлари кўп. Мен чақириб келаман. Сиз уни гумдон қиласиз-да, бойликларини пуллаб, қарзларингиздан узиласиз, хўпми?

Ҳақиқатан ҳам, Мавлуда ясан-тусанга эрк берар, чиройли кийиниш-у тилла тақинчоқларга «суяги» йўқ эди. Ўша кунлари янги квартира сотиб олиш ниятида юрганди. Бундан хабар топган Гулчеҳра уни қандай қилиб тузоққа илинтиришни режалаштирди.

— Андижон шаҳрининг сиз орзулаган қисмидаги квартира зудлик билан арзон баҳода сотиладиган бўлиб қолди, — деди у Мавлуданинг уйига бориб. — Истасангиз, ҳозироқ кўрсатаман. Уй эгаси жонажон қўшним.

Оқ кўнгил аёл рози бўлди. Гулчеҳра Мавлудани ўз жазмани Омонилло Ҳафизов яшаб турган «Шимолий» кичик даҳадаги хонадонга етаклаб келди. Бу жойда уюшган жиноий гуруҳ аъзолари О. Ҳафизов, Ш. Сотволдиларида тилла зираклари бор эди. Ял-ял товланиб турган зеб-зийнатлар жиноятчиларнинг кўзини ўйнатди. Гулчеҳра Собирова «ўлжа»сини ҳеч иккиланмасдан олдиндан келишиб қўйилган хонадонга бошлаб киради. Меҳмонни шўрва билан сийлашади. Мақсадлари кунни кеч қилиш эди. Ниҳоят, соат 17 лар чамаси Мавлуда уйига кетишга ҳозирланади. Шу пайт кутилмаганда жиноятчилар унга ташланишди.

— Жонингдан умидинг бўлса, тиллаларни бер! — талаб қилишди ундан.

Бироқ Мавлуда бор кучи билан қаршилик кўрсатади, бақиради, атрофга олазарак қарайди. Афсуски, бу жойда унга ёрдам қўлини чўзадиган одам йўқ эди. Аксинча, «дугонаси» Гулчеҳра очиқ қолган эшик-ромларни маҳкамроқ ёпади. Иложсиз қолган Мавлуда тирик қолдиришларини сўраб ялинибёлворади. Аммо ваҳшийлашиб кетган жиноятчилар уни бўғиб ўлдиришади. Сўнг марҳумнинг бўйни, қулоқ ва қўлларидаги тилла тақинчоқларни ечиб олишади. Жасадни эса тунда танишлари бўлмиш А. Ўринбоев бошқарувидаги ВАЗ — 2103 русумли автомашинага юклаб, супургизорга равона бўладилар.

Қотиллар инсонийлик фазилатларидан анча йироқ эди. Улар ёшлигидан фойдали меҳнат билан шуғулланмай, таралабедод кун кечиришди. Жумладан, Омонилло Ҳафизов муқаддам, яъни 1992 йилда Андижон шаҳар суди томонидан Жиноят кодексининг 126-моддаси, 2-қисми бўйича айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилганди. Аммо у бундан хулоса чиқармади. Аксинча, босқинчилик, ўзгалар мол-мулкини талон-тарож қилиш ва зўрлик ишлатишни касб қилиб олди. Ўта шафқатсизлик билан юқоридаги босқинчилик жиноятини содир этиб, яшириниб юрди.

Гулчеҳра Собирова ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан нопок аёл эканлигини кўрсатди. У зинога берилиб, енгилнинг устида, оғирнинг остида ҳаёт кечиришни ўзига эп кўрди. Шу йўлда охири жиноят кўчасига кирди.

Ёшгина инсоннинг умрига зомин бўлган бу кимса айбига иқрор бўлмади. Қотиллигини бўйнига олиш, тавба-тазарру қилиш ўрнига, гўё қотилликни билмай қилгандек, «Мен наша истеъмол қиламан», дея сурбетларча туриб олди. Унинг бу гапи залда ўтирганларнинг қалбини ларзага солди. Мана, сизга Гулчеҳранинг кимлигини кўрсатувчи далил!

Яхши билан юрсанг етарсан муродга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятга, деганларидек, ҳали турмушга чиқиб улгурмаган 18 ёшли Назокат Тиллабоева ўша куни жиноят содир этилган хонадонда эди. У одам ўлдирилганлигини кўради-ю, аммо бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бермайди. Энг ачинарлиси, Г. Собированинг уйида ва унинг муҳитида юришни ўзига эп кўрди. Ёш қизнинг мана шундай маънавий-ахлоқий дунёқарашини қандай баҳолаш мумкин?

Бундан кўринадики, «Бола бошидан маълум» деганларидек, ёшлар тарбиясига аввалбошданоқ эътибор бериш ғоят муҳим. Бу ишга ҳамма масъулдир. Айниқса, ота-оналар фарзандларини ҳамиша тергаб туриши, қайси вақтда кимлар билан юрганини кузатиб бориши, ёшлигиданоқ уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишини талаб қилиши лозим. Юқоридаги ачинарли воқеа эса ҳар биримизга сабоқ бўлмоғи керак.

Сўнгги гап: жиноий гуруҳ аъзоларига одил суд ҳукми ўқиб эшиттирилди. О. Ҳафизов олий жазога ҳукм қилинди. Г. Собирова эса 20 йилга озодликдан маҳрум этилди. Қолганлар ҳам ўз қилмишларига яраша жазоландилар.

А. МИРЗАЕВ,
Андижон вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.
О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.